

Мусулмон киши намозни умуман қазо қилмаслиги керак



13:00 / 07.06.2020 3457

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким намоздан бир рақъатни топса, батаҳқиқ, намозни топибдир», дедилар».

Икки Шайх ва Насий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда фақат Бомдод ёки Аср намозлари ҳақида эмас, балки барча намозлар ҳақида сўз бормоқда. Мусулмон одам кеч қолиб, қайси бир намознинг охирги вақтида бир рақъат бўлса ҳам ўқиб қолса, ўша намозни тамомлайди ва ўз вақтида адо қилган ҳисобланади. Унинг намози қазо

бўлмайди.

Баъзи кишилар агар намоз вақти оз қолган бўлса, кейинроқ, бемалол қазосини ўқиб оларман, деб бепарволик қиладилар. Бу мутлақо нотўғридир. Муслмон киши намозни умуман қазо қилмаслиги керак. Бир вақт қазо бўлган намознинг гуноҳини ювиш анча қийин. Шунинг учун охириги вақтида бўлса ҳам, биргина ракъатига илиниб қолса ҳам, ҳаракат қилиш керак. Бундай рухсатнинг берилиши биз бандалар учун айни меҳрибонликнинг ўзидир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан